

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

САНАКУЛОВ УМИДЖАН КУВАНДИКОВИЧ

**МЕТАЛЛУРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ САНОАТ
ЧИҚИНДИЛАРИДАН ТЕМИРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Санакулов Умиджан Кувандикович

Металлургия ишлаб чиқариш корхоналари саноат чиқиндиларидан
темир ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

Санакулов Умиджан Кувандикович

Разработка технологии извлечения железа из промышленных отходов
металлургических производств 21

Sanakulov Umidzhan Kuvandikovich

Development of technology for extracting iron from industrial waste of
metallurgical production..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

САНАКУЛОВ УМИДЖАН КУВАНДИКОВИЧ

**МЕТАЛЛУРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ САНОАТ
ЧИҚИНДИЛАРИДАН ТЕМИРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.2.PhD/Т1555 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Эргашев Улуғбек Абдурасулович**
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Абдурахмонов Сойиб Абдурахмонович**
техника фанлари доктори, профессор

Муҳиддинов Баходир Фахриддинович
кимё фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: **«Минерал ресурслар институти» ДК**

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ институти ҳузуридаги DSc.17.30.12.2019.Т.06.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 27 октябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).


Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (58 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2020 йил 13 октябр куни тарқатилди.
(2020 йил 13 октябрдаги 21 рақамли реестр баённомаси)






Б.Р.Раимжанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор



Ш.Ш.Заиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор



И.Т.Мислибаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энг кўп ишлатиладиган металл бўлган темир истеъмоли йилига 1 миллиард тоннадан ошади ва унинг жаҳон металл бозоридаги улуши ярмидан кўпини ташкил этади. Металлларни қазиб олишда ва ишлатишда темирнинг етакчи ўрни халқнинг иқтисодий ва маданий барча соҳаларини ривожлантириш учун зарур бўлган пўлат ва қўйма темир каби қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжининг доимий равишда ошиб бориши билан боғлиқ. Пўлат эритиш учун темир рудаларининг конлари дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида аниқланган. Дунёда темир рудаларининг умумий захираси қарийб 400 миллиард тоннани ташкил этади, шундан ярми тасдиқланган захирадир. Шу билан бирга, минерал хомашё базасининг муҳим қисми камбағал ва ўрта сифатли маъданлар билан ифодаланади.

Дунёда камбағал рудалардан юқори сифатли концентрат олишнинг кўплаб технологиялари ишлаб чиқилган, аммо уларнинг рентабеллиги пастлиги сабабли улар кам қўлланилади. Металлургияда ишлаб чиқариш сезиларли миқдордаги турли хил чиқиндиларнинг шаклланиши билан бирга келади. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда (ОКМК) мис шлаклари уюмлари 13 миллион тоннадан зиёдни ташкил қилади. Навоий кон-металлургия комбинатида (НКМК) олтин биометаллургияси ташланма кислотали эритмаларининг чиқиши соатига минг м³ дан ортиқ бўлиб, улар нейтраллангандан сўнг, чиқиндихонага юборилади. Мис ишлаб чиқариш саноатидаги шлаклар таркибида катта миқдорда темир мавжуд ва унинг миқдори 18-40% ташкил этади. Олтин биометаллургиясининг ташланма кислотали эритмалари таркибида 15-20 г/л темир мавжуд. Бу кунига 360-480 тонна темирни ташкил этади. Яъни, бу чиқиндиларни темир ишлаб чиқаришнинг қўшимча манбалари деб ҳисоблаш мумкин. Шуни эътиборга олиш керакки, темирни қора (шлаклар, шламлар, прокат ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқалар) ва рангли металлургия чиқиндиларидан (мис эритиш саноати шлаклари, шламлар, бойитиш фабрикаларининг турли хил чиқиндилари) ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилди, аммо темирни оқова сувдан ва ҳар хил келиб чиқадиган кислотали оқова сувлардан ажратиб олиш ҳали ҳам яхши ўрганилмаган. Мавжуд темир рудалари захираларининг пасайиш тенденцияси туфайли ва ушбу металлга бўлган талабнинг ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда, металлургик ишлаб чиқариш саноат чиқиндиларидан темирни олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда икки юздан зиёд кичик ва йирик темир рудалари конлари мавжуд. Ўзбекистондаги темир рудалари конларининг тахминий манбалари 4,708 миллиард тоннани ташкил этади ва тасдиқланган захиралари 1,0 миллиард тоннадан ортиқ бўлиб, улар 150 йилдан ортиқ вақт давомида пўлат ишлаб чиқариш учун хом ашё билан таъминлаши мумкин. Катта конлар Тебинбулоқ, Мингбулоқ, Сюрен-ота, аммо саноат рудаларида темир миқдори кам ва 18-22% ни ташкил этади. Республикамизда мавжуд

технологияларни жорий этиш ва такомиллаштириш, жараённинг самарадорлигини ошириш ва ҳосил бўлган маҳсулотларнинг таннархини пасайтириш, принципиал янги йўналишларни, ноанъанавий усулларни ишлаб чиқиш ва металлургияда ишлаб чиқаришининг мавжуд технологияларини такомиллаштириш, мамлакатнинг минерал хомашё ресурсларини кенгайтириш ва бошқалар бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда минерал хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш дастурлари тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда хом ашёдан комплекс фойдаланиш, иккиламчи қолдиқлардан металларни ажратиб олиш ва чиқиндисиз технологияларга ўтиш муаммоларини ҳал қилиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-3145-сон «Фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ва илмий тадқиқот ишлари бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари Губина В.Г., Зоря В.Н., Иванченко В.В, Кекух А.В., Лыкасов А.А., Мишурина О.А., Поволотский В.Д., Потапов К.О., Роцин В.Е., Рысс Г.М., Санакулов К.С., Санкаранараян С.Р., Сидоренко А.А., Славин В.И., Соумия Т., Супрун Ю.М., Суреш Б., Таджибаев Д.Ю., Толочко А.И., Трушко О.В., Хайрутдинов Р.М., Шеремет В.А., Эргашев У.А. ва бошқалар томонидан хомашёлардан комплекс фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишда ва темирни саноат чиқиндиларидан олиш технологиясини ўрганишга доир илмий тадқиқотлар ва изланишлар амалга оширилган. Проф. Санакулов Қ.С. ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

проф. Хасанов А.С. раҳбарликларида «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ мутахассислари ва олимлари металлургия ишлаб чиқаришнинг саноат чиқиндиларидан темирни олиш усуллари тадқиқ қилишда ва технологиясини яратишда кўплаб муваффақиятларга эришганлар.

Хорижий амалиётда Суреш Б., Соумия Т. ва Санкаранараянан С.Р. лар металлургик чиқиндилардан темир оксидини синтез қилиш билан шуғилланишган, улар шлам, шлак, чиқиндиларни ва камбағал рудаларни кимёвий бойитиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб борган. Пекин фан ва технология университетининг хитойлик тадқиқотчилари мис эритиш саноати чиқиндиларидан масса улиши 96% бўлган темир кукуни олиш бўйича тадқиқотлар ўтказганлар. Рус олимлари Толочко А.И., Славин В.И., Супрун Ю.М., Хайрутдинов Р.М., Мишурина О.А. ва бошқалар қора металлургик чиқиндилардан темирни кўшимча равишда ажратиб олиш ва мис, темир ва марганецни ажратиб олиш учун саноат оқова сувларини қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича юқори натижаларга эришганлар.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишларининг таҳлили уларнинг темир олиш учун саноат чиқиндиларини қайта ишлашга кўшган бекиёс ҳиссасини кўрсатади, аммо темирни оқова сув ва кислотали оқова сувлардан олишни ўрганиш даражаси тор доирадаги тадқиқотларни қамраб олади ва шу билан ушбу диссертация ишининг долзарблигини таъкидлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти ва Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника унверситети илмий-тадқиқот режасининг «Маҳаллий минерал ресурслар ва техноген захираларни қайта ишлаш учун ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.), «ГМЗ-3 биоксидланиш маҳсулотини нейтраллаш вақтида оҳак сутидан фойдаланишни истисно қилиш ва ГМЗ-3 чиқиндиларини йиғиш жойига нейтрализация маҳсулотларини чиқарилишини истисно қилиш мақсадида суюқ фазасини ўрганиш» (2017 й.) ва «Флотаконцентратни бактериал оксидланиш жараёнида кимёвий ва физик-кимёвий жараёнларни ўрганиш» (2016-2018 йй.) мавзуларидаги амалий лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мис ишлаб чиқариш шлакларидан ва сульфидли олтин таркибли концентратларни биоксидланиш жараёнидан кислотали оқова сувларни қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқиш орқали металлургия саноатининг саноат чиқиндиларидан темирни ажратиб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли хил реагентлар ёрдамида биоксидлаш жараёнининг кислотали чиқиндиларидан темирни ажратиб олишни тадқиқ қилиш;

темирдан ажралиши учун мышьякни кислотали эритмаларда селектив чўктиришни ўрганиш;

сульфидли олтин таркибли концентратларни бактериал оксидлаш жараёнини ташланма кислотали эритмаларидан темирни ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқиш;

бактериал эритиш ускунасининг кислотали оқова сувларидан темир гидроксидларини олиш бўйича саноат тажриба синовлари ўтказиш;

темирни ажратиб олиш учун металлургик шлакларни қайта ишлаш усуллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ металлургия заводларининг чиқиндилари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети – металлургик ишлаб чиқариш саноат чиқиндиларидан темирни ажратиб олиш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда металлургия саноатининг саноат чиқиндиларидан темирни ажратиб олиш бўйича илмий-техник маълумотларни таҳлил қилиш, аналитик, график-аналитик ва статистик усуллардан фойдаланган ҳолда назарий тадқиқотлар, лаборатория тажрибалари, тажриба-саноат синовлари ва ишлаб чиқилган усулларни ишлаб чиқариш шароитида текшириш, математик статистика усуллари ва замонавий компьютер техникасидан ёрдамида олинган натижаларни корреляцион таҳлил қилиш комплекс тадқиқот усулларидан фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли хил реагентларни қўллаган ҳолда рН муҳитининг ўзгариши ҳисобига кислотали эритмаларда мишьякни темирдан чўктириш усули билан ажратиш қонуниятлари аниқланган;

кислотали эритмаларнинг натрий ишқори билан нейтраллаш натижасида мишьякнинг 8 дан юқори рН кўрсаткичида тескари эриш самарадорлиги биринчи бор ўрнатилди ва темир бирикмалари чўкмаларини олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

янги УД-19 реагентидан фойдаланиб, муҳитнинг рН қийматига қараб кислотали эритмалар таркибидаги мишьякдан темирни ажратишни оптимал режими яратилган;

темир олиш мақсадида мис эритиш саноатининг кўп компонентли силикатли ва феррит системали шлакларини алоҳида оксидларга ажратиш бўйича илк бор ускуна ва унинг тузилиши ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кислотали ташланма эритмалардан темир ва мишьякни аммиак суви ёрдамида чўктириш ва мишьякни чўкмадан ўювчи натрий иштирокида эритиб йўқотиш асосида бактериал оксидлаш ташланма кислотали эритмаларини қайта ишлашнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

янги УД-19 реагенти ёрдамида биоксидланиш жараёнининг сульфат кислотали эритма чиқиндиларидан мишьякни темирдан ажратиш усули ишлаб чиқилган;

мис эритиш саноатининг техноген чиқиндилари бўлмиш шлакни кремнийсизлантириш жараёни чўкмасини олиш, темирни магнитли саралаш

ва кейинги индукцион печда эритиб 98,5% тозаликда ажратиб олиш имконини берадиган темир ишлаб чиқариш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг миқёсда ўтказилган лаборатория ва ярим-саноат тажрибалари мис ишлаб чиқариш техноген захираларини қайта ишлашнинг оптимал режимлари аниқланганлиги билан, олтин концентратларини биооксидлаш жараёни кислотали оқова сувларидан темирни ажратиб олиш, турли хил реагентларни қўллаган ҳолда кислотали эритмалардан мишьякни темирдан ажратиш усули ғояларининг тасдиқланганлиги билан ва қониқарли мос келадиган назарий ҳисоблар ва саноат синовлари ижобий натижалари асосида, таклиф этилган кислотали эритмалардан темирни ажратиб олишнинг технологик схемаси ишлаб чиқариш миқёсида текширишлар ўтказиш орқали исботланган.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кислотали эритмаларнинг натрий ишқори билан нейтраллаш натижасида мишьякнинг 8 дан юқори рН кўрсаткичида тескари эриш самарадорлиги тадқиқ қилиш ва ўрнатиш, шунингдек, темир оксидининг кремнийдан ажратилиш шароити ўрганилганлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сульфидли олтин концентратларини биооксидлаш жараёни ташланма кислотали эритмаларидан темирни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқилганлиги ва мис ишлаб чиқариш саноати шлакларини қайта ишлашнинг технологияси ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Металлургия саноатининг саноат чиқиндиларини қайта ишлаш жараёнида темирни ажратиб олишни илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида олтин бўлган концентратларни биооксидлаш жараёнининг кислотали оқова сувларидан темирни ажратиб олишнинг технологик схемаси «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 3 сентябрдаги 02-02-06/9282-сон маълумотномаси). Натижада, кислотали оқова сувлар таркибидаги темирнинг 90% дан ортиғи кейинчалик фойдаланиш учун темир гидроксиди шаклида тиклаш имконини берган;

темир ажратиб олиш учун металлургик шлакларни қайта ишлаш усули «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖда амалиётга жорий этилган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2020 йил 8 сентябрдаги АИ-56163-сон маълумотномаси). Натижада, минерал хомашёдан комплекс фойдаланиш, жараённинг юқори интенсивлигига эришиш, ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигини ошириш, чиқиндихоналар майдонини камайтириш, техноген чиқиндиларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва темирни ажратиб олиш даражасини 90% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий ва илмий-техникавий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан 2 та ихтиро учун патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Металлургик ишлаб чиқаришнинг саноат чиқиндиларидан темир олиш технологияларини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари»** деб номланган биринчи бобида олтин таркибли концентратларни биооксидлаш жараёни кислотали чиқинди сувларини ва чиқинди кислоталарни зарарсизлатиришнинг замонавий аҳволи таҳлили, ташланма кислотали эритмалардан мишьякни йўқотиш усуллари, кислотали эритмалардан темирни турли реагентлар ёрдамида чўктириш ва мис эритиш жараёни шлакларидан темир олиш усуллари келтирилган.


Тадқиқотлар натижасида турли реагентлар билан нейтраллаш жараёнида кислотали эритмалардан темир аморф гидроксид кўринишида чўкиши ҳамда у билан бирга мишьяк ҳам чўкиши аниқланди. Асосий эътиборни тортадиган жиҳат нейтраллаш жараёнида бўтанани рН қиймати тезда ўзгартирилганда қаттиқ фазага чўкадиган беқарор мишьяк сақловчи бирикмалар улуши ортишидир.

Сульфидли реагентлар билан қайта ишлашда мишьякнинг As_2S_3 кўринишида чўкиш жараёни ўрганилди, бироқ бу жараёнда мишьяк (III) сульфид билан бир қаторда мишьякнинг бир қисми мишьяк (V) сульфид As_2S_5 , кўринишида чўкмага ўтади ва мишьяк сульфидлари аралашмасини ҳосил қилади. Шу сабабли биринчи босқичда As (V) ни As (III) гача қайтариш тавсия этилади.

Диссертациянинг **«Турли рагентлар ёрдамида биооксидлаш жараёнининг кислотали чиқиндиларидан темирни мишьякдан**

ажратишни тадқиқ қилиш» деб номланган иккинчи бобида сульфидли олтин таркибли концентратларни бактериал танлаб эритиш жараёни ташланма кислотали эритмалардан темирни ажратиб олиш бўйича лаборатория тадқиқотлари натижалари келтирилган. Тадқиқотлар НКМК биооксидлаш ускунасидан олинган эритмада ўтказилди. Ташланма кислотали эритмаларни қайта ишлашнинг оптимал параметрларини аниқлаш ва эритмадан темирни мишьяк қўшимчаларисиз олиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланди. Темирни чўктириш учун оҳакли сув, аммиакли сув ва ўювчи натрийдан фойдаланилди.


Темирни оҳакли сув билан чўктириш бўйича ўтказилган тажрибалар натижаси 1-расмда кетирилган бўлиб, кўриниб турибдики темир ва мишьяк бир пайтда чўкади ва $pH=2,8$ бўлганда темир ва мишьякнинг барчаси чўкади. pH қийматини кўтаришда давом этилганда мишьякнинг қайта эриб эритмага ўтиши кузатилмайди. Темир арсенат ҳосил бўлиши ҳисобига кутилган темир ва мишьякнинг ажралош тахмини амалга ошмади, шунинг учун темирни чўкиши натижасида темир арсенат эмас, балки темир гидроксид ҳосил бўлди деб ҳисоблаш мумкин ва бу темир гидроксид ўзида барча мишьякни сорбциялаган.




1-расм. Дастлабки НКМК эритмасида оҳакли сув билан чўктиришда темир ва мишьяк концентрациялари ўзгариши

Темирни аммиакли сув билан чўктириш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари 2-расмда келтирилган. Нейтраллаш жараёнининг дастлабки босқичида темир ва мишьякнинг концентрациялари эркин кислотанинг нейтралланиши ҳисобига деярли ўзгармайди. pH қиймати 2,6 дан ошганда темирнинг ҳамда у билан бирга мишьякнинг ҳам жадал чўкиши бошланади. Графикда кўриниб турганидек темир ва мишьяк бир пайтда чўкади ва $pH=2,8$ бўлганда чўкиш якунига етади. Кейинчалик pH қийматини оширишда давом этилганда темир ва мишьяк чўкмада қолади.

Темирни ўювчи натрий билан чўктириш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари 3-расмда келтирилган. Кўриниб турибдики $pH=2,8-3,0$ гача бўлганда $NaOH$ дан фойдаланилганда темир ва мишьяк бир хил миқдорда чўкади. Кейинчалик pH қиймати оширилганда $pH=8$ дан бошлаб мишьякнинг қайта эриши кузатилади. Темир эса чўкмада қолади (3-расм). Металл гидроксид чўкмаси сарғиш-жигарранг бўлиб, бир жинсли, ғовак, аморф массадан иборат. Майиндисперсли чўкма олинади.



2-расм. Дастлабки НКМК эритмасида аммиакли сув билан чўктиришда темир ва мишьяк концентрациялари ўзгариши



3-расм. Дастлабки НКМК эритмасида ўювчи натрий билан чўктиришда темир ва мишьяк концентрациялари ўзгариши

Шундай қилиб, биооксидлаш маҳсулотининг суяқ фазаси ўзида етарли миқдорда уч валентли темир (25 г/л) сақлаши ижобий бўлиб, маълум

миқдордаги беш валентли мишьяк (6 г/л) сақлаши эса салбий ҳисобланади. Суюқ фазани нейтраллашда чўктириш жараёни орқали темир ва мишьякни ажратиб бўлмади. $pH=2,0$ бўлганда темир ва мишьякнинг чўкиши бир вақтда бошланади ва $pH=2,8$ етганда бутунлай тўхтайтиди. Темир сақловчи эритмани ўювчи натрий билан нейтраллашда pH қиймати 8 дан ошганда мишьякнинг қайта эриш эффекти кузатилди.

Диссертациянинг «Кислотали эритмаларда олтингугурт газини ва янги реагент УД-19 қўллаш орқали мишьякни селектив чўктириш имкониятларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида сульфат кислота заводи газларини ва янги ишлаб чиқилган УД-19 реагентини мишьякни селектив чўктириш учун қўллаш бўйича тажриблар натижалари келтирилган.

Сульфат кислота заводи газлари таркибидаги олтигугурт (IV) оксиди таъсири натижасида мишьяк (V) кислотали эритмаларда As (III) гача қайтарилиши ва олтингугуртли реагентлар ёрдамида As_2S_3 кўринишида чўкиши кутилган эди. Кейин эса мишьякдан тозаланган темир таркибли қолдиқлар темир гидроксид олиш учун юборилади. Жараённинг кўрсаткичлари ва параметрларини аниқлаш мақсадида синовлар лаборатория шароитида ва ишлаб чиқариш миқёсида тажриба сифатида ўтказилди.

Мишьякни қайтариш бўйича тадқиқотлар лаборатория шароитида НКМК 3-гидрометаллургия заводнинг (ГМЗ-3) биооксидлаб эритиш ускунасининг 6-реакторидан олинган кислотали эритмаларидан олинган реал намуналарда (1-жадвал) ўтказилди. Таркибида 9,0-9,5% олтингугурт (IV) оксиди бўлган сульфат кислота заводи олтингугуртли газлари ёрдамида мишьяк (V) ни қайтариш даражаси ўрганилди.

1-жадвал

Дастлабки кислотали эритманинг кимёвий таркиби

pH	SO_4^{2-} , г/л	Fe^{3+} , г/л	Fe^{2+} , г/л	As^{5+} , г/л	As^{3+} , г/л
1,1	74,3	24,9	0,4	5,6	0,1

Тажриба учун 1л дастлабки кислотали эритмадан олинди ва кимёвий стаканга солиниб у орқали олтингугурт газини ўтказилди. Тажриба давомийлиги 1 соат бўлиб, беш ва уч валентли мишьяк концентрациясини таҳлил қилиш учун маълум вақт оралиғида намуналар олиб турилди. Тажрибалар натижасида 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Лаборатория шароитида мишьякни қайтариш бўйича тажрибалар натижалари

Қайтарилиш вақти, мин	As^{5+} , мг/л	As^{3+} , мг/л
Дастлабки эритма	5600	100
5	3481	2119
15	3180	2530
30	3040	2640
60	2980	2635

2-жадвалдан кўриниб турибдики беш валентли мишьякни уч валентли мишьякка қайтарилиш даражаси 45%дан ошмаган. Мишьякнинг паст даражада қайтарлиши олтингугурт газининг эриш тезлиги катта эмаслиги ва таъсирлашиш усулига(пуфлаш ёки томчилатиш), газнинг парциал босимига ва газ пуфакчаларининг дисперслигига боғлиқлиги билан тушунтирилади

Эритмага газ пуркалганда зарур таъсирлашиш амалга ошмай,газнинг асосий қисми атмосферага ингичка оқим бўлиб чиқиб кетади

Икки фазанинг(газ – суюқлик) таъсирлашиши тўлиқлигини ошириш мақсадида абсорбердан фойдаланиш учун саноат-ишлаб чиқариш қурилмаси ўрнатилган.(4-расм).



- 1 – олтингугуртни ёқиш печи; 2 – иссиқлик котел-утилизатори;
 3 – олтингугурт (IV) оксиди билан кислотали оқаваларни таъсирлашишини ошириш учун абсорбер; 4 – циркуляция насоси; 5 – оралик идиш

4-расм. Биооксидлаш цехи кислотали оқавалари таркибидаги мишьякни олтингугурт (IV) оксиди билан тиклашнинг технологик схемаси

Саноат-ишлаб чиқариш синовлари натижалари кўрсатдики,суюқ ва газ фазаларининг таъсирлашишини абсорбер (томчилатиш усули) ёрдамида яхшилаш беш валентли мишьякни уч валентли мишьякка қайтарилиш даражасинининг тўлиқлигини оширади ва 45% ўрнига 65% ни ташкил этади.Лекин бу қайтарилиш даражаси беш валентли мишьякнинг қолдиқ концентрацияси юқорилиги сабабли кондицион темир маҳсулотини олиш имконини бермайди.

УД-19 янги реагенти ёрдамида темирдан мишьякни селектив ажратиб олиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Сульфат кислота

эритмалари УД-19 реактиви билан қайта ишланганда чўкмада мишьякнинг олтингугуртли бирикмалари ҳосил бўлади. Чўкманинг ҳосил бўлишини мишьякнинг УД-19 реагенти билан қайтарилиши натижаси деб тушунтириш мумкин, бунда темир эритмада қолади, мишьяк эса чўкмада. Таъкидлаш жоизки, мишьякнинг темирдан ажралиши фақат сульфат кислота эритмаларида қўлланилади. Нейтрал ва ишқорли эритмаларда УД-19 реагенти ёрдамида темирдан мишьякни ажратиб олиш тавсия этилмайди, сабаби бунда темир ҳам мишьяк билан бирга чўкмага ўтади.

Ишлаб чиқариш шароитларида биооксидлаш жараёни мишьяк таркибли кислотали эритмаларини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар икки босқичда ўтказилди.

Биринчи босқич биооксидлаш жараёни сульфат кислотали чиқиндиларини УД-19 реагенти ёрдамида қайта ишлаб As_2S_3 ни кислотали эритмалардан чўктиришни ўз ичига олган. Бунда темир кислотали эритмада қолади. Таъриба натижалари 3-жадвалда келтирилган, бу ерда УД-19 сарфи биооксидлаш жараёни кислотали чиқиндисининг 1 литри учун кўрсатилган.

3-жадвал

УД-19 реагенти ёрдамида мишьякни чўктириш

Намуна рақами	$As_{\text{умум}}$, мг/л	pH	Мишьякнинг ажралиши, %	УД-19 сарфи, мл/л
1 (исходная)	1742	1,2	0	–
2	1373	1,5	21,2	20
3	1384	1,7	20,6	50
4	1300	3,1	25,4	70
5	441	4,0	74,7	100
6	125	6,3	92,8	120
7	635	6,4	63,5	150
8	717	6,9	58,8	200


Биооксидлаш жараёни сульфат кислотали чиқиндиларини УД-19 реагенти ёрдамида чўктириш бўйича қайта таърибалар ўтказилганда, pH=6,1 бўлганда мишьякни чўкиши максимал бўлиши аниқланди ва бу рентгено-радиометрик таҳлил ёрдамида ўз тасдиғини топган. Таъриба натижалари 4-жадвалда келтирилган

4-жадвал

УД-19 реагенти ёрдамида мишьякни чўктириш таҳлили натижалари

№	Маҳсулот номи	Миқдори	
		As	Fe
1	Дастлабки намуна, г/л	5,7	26,2
2	УД-19 реагенти билан қайта ишлашдан кейинги чўкма, %	5,8	5,0
3	УД-19 реагенти билан қайта ишлашдан кейинги фильтрат, г/л	–	19

Иккинчи босқич ўз ичига кучсиз кислотали эритма (фильтрат)дан $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ ни чўктириш учун аммиак (25%) билан қайта ишлашни ўз ичига олади.Натижада, темир, кучсиз кислотали эритмани аммиак билан ишланганда темир гидроксид кўринишида чўкади:



Темир чўкканидан сўнг чўкма қуритилди, 800°C да қиздирилди ва такрорий кимёвий анализ ўтказилди,бунда темир оксиди таркибида мишьяк аниқланмади.Бундан келиб чиқадики, биооксидлаш жараёни сульфат кислотали чиқиндиларини УД-19 реагенти ёрдамида икки босқичли қайта ишлаш орқали темирни ажратиш мумкин

Шундай қилиб, биринчи марта биооксидлаш жараёни сульфат кислотали чиқиндилари таркибидаги темирдан мишьякни ажратишнинг содда схемаси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул мишьякни янги УД-19 реагенти ёрдамида чўктиришга асосланган бўлиб,жараённинг рентабеллиги ва тежамколиги оширилди.Натижада кислотали эритмаларни УД-19 реагенти ёрдамида қайта ишланганда саноат чиқиндилари ҳажми камаяди. Ишлаб чиқилган усул мишьякни зарарсиз ҳолда утилизация қилиб экологик муаммоларни ҳам ечиб беради.

Диссертациянинг **«Биооксидлаш жараёни кислотали ташланма эритмаларини қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовлари»** деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқилган сульфидли флотоконцентратларни биооксидлаш жараёнининг кислотали ташланма эритмалари қайта ишлаш усулининг тажриба-саноат синовлари натижалари келтирилган


Тажриба тадқиқотлари натижаларига кўра темир ва мишьякни кислотали ташланмалардан аммиакли сув билан чўктиришни ва чўкмадан мишьякни ўювчи натрий билан эритиб йўқотишни ўз ичига олувчи НКМК 3-ГМЗда тадбиқ этилган технологик схема тавсия этилди (5-расм).

Ўтказилган синовларнинг асосий мақсади ташланма кислотали эритмаларни қайта ишлашнинг оптимал параметрларини аниқлаш ва эритмадан темирни мишьяк қўшимчаларисиз олиш эди.

Эритмани нейтраллаш ва металл гидрооксидларини чўктириш учун 25% ли аммиакнинг сувли эритмасидан фойдаланилди. Тажриба-саноат синовлари шароитида эритманинг рН қийматининг биооксидлаш эритмасини аммиакли эритма билан нейтраллашда пульпанинг суяқ фазасидаги металллар миқдорига таъсири ўрганилди.Тадқиқотлар натижасида маълум рН қийматида чўктириш усули орқали темирни мишьякдан ажралиши содир бўлмаслиги аниқланди,сабаби улар бирга чўкади

Мишьякни йўқотиш мақсадида чўкма ишқорли қайта ишлашга жўнатилди.Тажрибалар натижасида ҳарорат, NaOH концентрацияси ва бўтананинг зичлигининг чўкмани NaOH эритмаси билан белгиланган вақтда

танлаб эритиш орқали чўкмадан мишьякни ажратиб олиш кўрсаткичларига таъсири текшириб кўрилди



5-расм. Биооксидлаш жараёни кислотали ташланма эритмаларини қайта ишлашнинг тавсия этилган технологик схемаси

Металл гидроксидлари чўкмасидан мишьякни танлаб эритиш бўйича жараёни боришида қуйидаги оптимал параметрларда назорат тажрибалар ўтазилди:

- $P_{\text{нам чўкма}} : V_{\text{NaOH}} = 1:4$ ($K:C=1:24$);
- қўшиладиган эритмадаги NaOH концентрацияси – 150 г/л (умумий намлик ҳисобга олинганда – 125 г/л);
- босқичлар учун танлаб эритиш давомийлиги – 2 соат;
- босқичлар сони – 2;
- жараёни боришидаги ҳарорат – 40, 60 ва 80°C.

Бўтананинг қаттиқ фазасидаги металл гидроксидларидан мишьякни ажратиб олиш кўрсаткичлари 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвалдан келиб чиқадики, металл гидроксидлари чўкмасини ишқорли қайта ишлашда мишьякни ажратиб олиш кўрсаткичларига ҳарорат ҳал қилувчи омил сифатида таъсир этади. Мишьякнинг умумий ажралиши барча тажрибаларда ҳароратга боғлиқ бўлиб, 80°C да умумий ажралиш 98,6%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, сульфидли флотоконцентратларни биооксидлаш жараёнининг кислотали ташланма эритмаларини қайта ишлаш усули ишлаб чиқилди, бу усул ўз ичига 2 босқичли нейтраллаш жараёнини, 2-босқичда натрий гидроксид билан нейтраллаш, 2-босқичда ҳосил бўлган чўкмани эритмадан ажратиш, 1-босқичда нейтраллаш учун аммиакнинг 20% ли

эритмасидан, 2-босқичда эса 6% ли натрий гидроксид эритмасидан 20⁰Сда фойдаланиши билан фарқ қилади.

5-жадвал

Бўтананинг қаттиқ фазасидаги металл гидроксидларидан мишьякни ажратиш олиш кўрсаткичлари (Қ:С=1:24; Босқичлар учун танлаб эритиш давомийлиги– 2соат; NaOH концентрацияси= 125 г/л)

Т.р.	Тажриба харорати, °С	Босқич рақами	Қаттиқ намунадаги As миқдори, %		Ажралиши, %	
			дастлабки	чиқинди	жараёндан	умумий
1.	40	1	6,6	1,6	75,8	75,8
		2	1,6	1,1	31,3	7,6
2.	60	1	6,6	1,3	80,3	80,3
		2	1,3	0,5	61,5	12,1
3.	80	1	6,6	1,1	83,3	83,3
		2	1,1	0,09	91,8	15,3

Ишлаб чиқилган усул мишьяк таркибли кислотали чиқидилардан темирни ажратиш олиш, металлургик-саноат корхоналари таъсир доирасида мишьяк таркибли чиқидиларни салбий таъсирини қамайтириш, атроф-муҳитга экологик таъсирни, жараённинг энергетик ва иқтисодий харажатларини қамайтириш имконини беради.

Ишлаб чиқилган усул тажриба-саноат синовларида (НКМК 3-ГМЗ) қуйидагилар ўрнатилди:

– маълум бир рН қийматида чўктириш усули орқали мишьякдан темирни ажратиш имкони бор деб ҳисобланмайди, сабаби улар биргаликда чўкмага тушади. Тажриба-саноат шароитларида темир ва мишьяк гидроксидлари чўкмага ўтиши рН=3,0-3,2 бўлганда бошланади;

– 2 босқичда танлаб эритишдан сўнг назорат тажрибаларида эритиш чиқиндисидан мишьяк миқдори 0,09% бўлганда мишьякнинг ажралиши 98,6% ташкил этди.

«Мис эритиш жараёни техноген чиқиндиларидан темирни олиш усулини ишлаб чиқиш ва тажриба-саноат синовлари» деб номланган бешинчи бобда мис эритиш жараёни металлургик шлаklarини қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган ва тажриба-саноат синовлари натижалари келтирилган.

Темир ажратиш олиш учун металлургик шлаklarни қайта ишлаш усули ишлаб чиқилди, унга кўра шлаklarдаги силикатлар умумий миқдорининг стехиометрик нисбатида аммоний фториди ёрдамида 300⁰С да шлаklar кремнийдан тозаланиб, олинган қаттиқ аммоний гексафторосиликат ва газ ҳолатида ажраладиган аммиак ва сув пари ажратилди, қолган чўкмадан темирни ажратиш олишнинг фарқи шундаки, темирни ажратиш олиш магнит саралагич ёрдамида металл қисми қолган чўкмадан ажратиш ва ажратилган металл қисми индукцион печьда 1300-1310⁰С да эритиш билан амалга оширилади.

Мис эритиш жараёни шлаklarини куйдириш учун герметик курилма конструкцияси яратилди.

Шундай қилиб, темир олиш мақсадида биринчи бор мис эритиш жараёни шлаklarидаги кўп таркибли силикатли ва ферритли тизимларни алоҳида оксидларга парчалаш курилмаси ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар натижасида шлаklarга аммоний фторид тузининг таъсирлашиши натижасида улардаги кремний миқдорининг йўқолиши, бунда кремний билан бириккан темир тозаланиши аниқланди. Магнит саралагич ёрдамида темир бошқа кўшимчалардан ажратилиши ва тайёр маҳсулот олиш мақсадида эритишни индукцион печда амалга ошириш мумкинлиги ўрнатилди.

Тажриба-саноат синовлари натижасида ишлаб чиқилган технология «Олмалиқ кон-металлургия комбинат» АЖ шлаklarидан кремний ва темирни ажратишнинг галогенаммоний усули ёрдамида темирнинг металлургик чиқиндилардан ажралиши 90% атрофида бўлишига эришилган.

ХУЛОСА

«Металлургия ишлаб чиқариш корхоналари саноат чиқиндиларидан темирни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олтин таркибли концентратларни биооксидлаш технологик жараёнида таркибида темир, олтингугурт, мышьяк ва бошқа металлар бўлган кислотали эритмалар юзага келади. Ушбу моддалар ҳар бири алоҳида фойдали ҳисобланади. Бироқ уларнинг бирикмаси ушбу моддаларнинг фойдали компонент сифатида ишлатишга тўсқинлик қилади. Шу сабабли бугунги кунда НКМК ДК да ушбу эритмалар оҳақтош ёрдамида нейтраллаштирилади ва чиқиндихонага юборилади.

2. Турли реагентлар ёрдамида биооксидлаш жараёнидаги кислотали оқаваларда темир ва мышьякнинг чўкиши ва чўкма таркибида уларнинг миқдори рН кўрсаткичига боғлиқлик қонуниятлари ўрганилди. Кислотали оқаваларни нейтраллашда мышьяк ва темирни чўкиши бир вақтда рН=2,8-3,6 да тўлиқ яқунланади.

3. Тадқиқотлар натижаларига кўра кислотали оқаваларни натрий гидрооксиди билан нейтраллашда мышьякнинг тескари эриш эффекти рН 8 дан юқори бўлганда рўй бериши аниқланди. Бунда мышьякнинг чўкмадан эритмага ўтиши жараёнга берилган тартибга боғлиқ ҳолда 93,3 дан 98,6 % гачани ташкил этади.

4. Ўтказилган тадқиқотлар асосида сульфидли флотоконцентратларни биооксидлаш жараёни кислотали ташландиқ эритмаларни қайта ишлаш усули ишлаб чиқилди. Аммиак суви ёрдамида темирни ва мышьякни кислотали оқавалардан чўктириш ва чўкмадан мышьякни натрий гидрооксиди ёрдамида эритиш йўли билан йўқотиш орқали темирни ажратиш олиш технологик схемаси тақлиф қилинади.

5. Чўкмадаги мышьякни натрий гидрооксиди ёрдамида эриш жараёнига натрий гидрооксидининг миқдори, жараённинг давомийлиги, ҳароратнинг таъсири тадқиқ қилинди. рН 8 дан юқори бўлганда мышьякнинг эриши температуранинг ошиши ва натрий гидрооксид миқдорининг ошиши билан жадал ошиши аниқланган.

6. Парлантириш орқали аммоний сульфат тузи ўғитини олиш учун дастлабки кислотали эритмаларга аммиакли ишлов беришдан сўнгги филтратни қайта ишлаш схемаси , ҳамда дастлабки биооксидлаш кислотали эритмалардан темираммонийли квасцлар олиш, кейинги босқичда мавжуд схема орқали қолдиқ эритмаларни нейтраллаш усули таклиф қилинади.

7. Биринчи мартаба биооксидлаш жараёни олтингугурт кислотали чиқиндилардаги мышьяк ва темирни ажратишнинг қисқартирилган схемаси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул олтингугурт кислотали эритмаларидан мышьякни янги реагент УД-19 ёрдамида чўктиришга асосланган бўлиб рентабелликнинг ошиши ва жараённинг тежамкорлигига олиб келади. Кислотали оқаваларга икки босқичли ишлов бериш схемаси таклиф қилинди ва бу орқали юқори тозаликдаги темир оксидини олиш таъминланади.

8. Кислотали чиқиндиларни УД-19 реагенти қўллаган ҳолда қайта ишлаш орқали саноат чиқиндилари ҳажми камаяди. Ишлаб чиқилган усул мышьякни хавфсиз усулда экологик муаммоларни ҳал қилган ҳолда утилизациялаш имконини беради.

9. Мис ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган металлургик шлакларни қайта ишлашда, темир олиш мақсадида, аммоний фториди ёрдамида шлаклардаги кремнийни йўқотиш ва қолган чўкмадан темирни ажратиб олиш устида тадқиқотлар амалга оширилди. Биринчи мартаба темир олиш мақсадида мис эритиш жараёни шлакларидаги кўп таркибли силикатли ва ферритли тизимларни алоҳида оксидларга парчалаш қурилмаси ишлаб чиқилди. Тадқиқотлар натижасида шлакларга аммоний фторид тузининг таъсирлашиши натижасида улардаги кремний миқдорининг йўқолиши, бунда кремний билан бириккан темир тозаланиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

САНАКУЛОВ УМИДЖАН КУВАНДИКОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ИЗВЛЕЧЕНИЯ ЖЕЛЕЗА ИЗ
ПРОМЫШЛЕННЫХ ОТХОДОВ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИХ
ПРОИЗВОДСТВ**

04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)

Навои – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2020.2.PhD/T1555.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Эргашев Улугбек Абдурасулович
доктор технических наук

Официальные оппоненты: Абдурахмонов Сойиб Абдурахмонович
доктор технических наук, профессор

Мухиддинов Баходир Фахриддинович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: ГП «Институт минеральных ресурсов»

Защита диссертации состоится 27 октября 2020 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.17.30.12.2019.T.06.01 (адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №58). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба шох, 127. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 13 октября 2020 года.

(реестр протокола рассылки №21 от 13 октября 2020 года).






Б.Р.Раимжанов

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



Ш.Ш. Заиров

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



И.Т.Мислибаев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире потребление железа, являющегося наиболее используемым металлом, превышает 1 млрд. т в год, а доля на мировом рынке металлов составляет более половины. Ведущее место железа в добыче и использовании металлов связано с постоянным повышением потребностей людей в конструкционных материалах, таких как сталь и чугун, необходимых для развития всех отраслей экономики. Месторождения железных руд для выплавки стали выявлены в более 100 странах мира. Общие запасы железных руд в мире составляют около 400 млрд. т, в том числе половина из них является подтвержденными запасами. Однако, значительная часть минерально-сырьевой базы представлена бедными и средними по качеству рудами.

На сегодняшний день во всем мире разработано множество технологий получения качественного концентрата из бедных руд, но из-за низкой рентабельности они мало используются. Вместе с тем, металлургическое производство сопровождается образованием значительного количества различных отходов. В АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат» (АГМК) отвалы медных шлаков составляют более 13 млн. т. В Навоийском горно-металлургическом комбинате (НГМК) сбросы кислых растворов биометаллургии золота составляет более тысячи м³/час которые после нейтрализации направляются в хвостохранилище. Шлаки медного производства содержат довольно значительные количества железа, его содержание в шлаках находится в пределах 18-40 %. Сбросные кислые растворы биоометаллургии золота содержат 15-20 г/л железа. Это 360-480 тонн железа в сутки. Т. е. эти отходы можно рассматривать как дополнительные источники получения железа. В достаточной степени проведены исследования по извлечению железа из отходов черной (шлаки, шламы, прокатные окалины и др.) и цветной металлургии (шлаки медеплавильного производства, шламы, различного рода хвостовые отходы обогатительных фабрик), однако извлечение железа из сточных вод и кислых стоков различного происхождения до сих пор малоизучено. В связи с наблюдающейся тенденцией снижения легкодоступных запасов железной руды и неумолимо растущим спросом на этот металл особенно актуальной задачей становится разработка технологии извлечения железа из промышленных отходов металлургических производств.

На территории Республики Узбекистан имеется более двухсот мелких и крупных месторождений железной руды. Прогнозные ресурсы месторождений железных руд в Узбекистане оцениваются в 4,708 млрд. т, а подтвержденные запасы составляют более 1,0 млрд. т, которые могут обеспечить сырьем производство стали более чем на 150 лет. Крупными месторождениями являются Тебинбулок, Мингбулок, Сюрень-ота, однако содержание железа в промышленных рудах низкое и составляет 14-22 %. В Республике выполнен ряд научно-практических работ по внедрению и совершенствованию действующих технологий, повышению эффективности

процесса и снижению себестоимости получаемой продукции, разработке принципиально новых направлений, нетрадиционных способов и усовершенствованию существующих технологий металлургического производства, расширению минерально-сырьевых ресурсов страны и др. В Указе Президента Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «своевременному выполнению мероприятий программ по глубокой переработке минерально-сырьевых ресурсов при реализации инвестиционных проектов и продолжению политики стимулирования локализации производства...». В связи с этим становится актуальным решение задач по комплексному использованию сырья, извлечению металлов из вторичного лома и переходу на безотходные технологии.

